



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -йил 22 - айрен

858н -сон

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Матёкубов Қахрамон
Кузибоевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик хуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида яшовчи фуқаро Матёкубов Қахрамон Кузибоевичнинг “Гулшан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 16 мартағи ШЯ-М-1101-сонли аризасини, “Гулшан” маҳалласи фуқаролар йигинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 12 мартағи 799-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги конуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида жойлашган 9 (тўқиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 94,35 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 155,94 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 250,29 квадрат метр, қурилиш ости майдони 328,02 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1425,56 квадрат метр, бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 125,56 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Матёкубов Қахрамон Кузибоевичга мулк хуқуқи асосида унга эгалик хуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Матёкубов Қахрамон Кузибоевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа

бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилаётган 125,56 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Матёкубов Қахрамон Кузибоевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўtkазиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими



Ш.Яҳшибаев